БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 89 (1093)
4 МАЙ ЯКШАНБА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Барча совет кишилари бутун дунё меҳнаткашларининг халқаро бирдамлик куни—1 Майни зўр тантана ва хурсандчилик билан байрам қилдилар.

Совет кишилари ўзларининг Коммунистик партия, унинг ленинча Марказий Комитети ва Совет ҳукумати теварагига мустаҳкам жипслашганликларини, коммунизм ғалабаси сари олға боришга қатъий қарор берганликларини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатдилар.

Москвада 1958 йил 1 Майнинг байрам қилиниши. Мавзолей трибунасида: К. А. Вершинин, С. Г. Горшков, А. А. Гречко, А. И. Еременко, С. М. Будённий, С. С. Бирюзов, В. Д. Соколовский, К. С. Москаленко, И. С. Конев, Р. Я. Малиновский, Акрам Алҳавроний, Абдил Латиф Маҳмуд Албағдодий, К. Е. Ворошилов, Гамол Абдил Носир, Н. С. Хрушчев, Ч. Сурэнжав, А. И. Микоян, А. И. Кириченко, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Ф. Р. Козлов, Н. А. Булганин, А. Б. Аристов, Н. Г. Игнатов, Л. И. Брежнев, Н. М. Шверник, О. В. Куусинен, Н. А. Муҳитдинов, П. Н. Поспелов, А. Н. Косигин.
В. Севостьянов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

БУЮК БИРДАМЛИК

Коммунизм қураётган ижодкор совет халқи зўр қувонч ва шодлик билан Баҳор байрами—1 Майни байрам қилди. Ватанимиз пойтахти Москвада, мамлакатимизнинг ҳамма шаҳарларида кенг меҳнаткашлар иштирокида бўлиб ўтган Биринчи Май байрам параддари, ҳамма жойда баралла янграган баҳор шодиёналари совет халқи монолит бирлигининг, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати атрофига маҳкам жипслашганлигининг ёрқин намойиши бўлди. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, шонли зиёлиларимиз коммунизм улуғ ишининг тантанаси учун курашга, Ватанимиз куч-қудратини яна ҳам оширишга ҳамиша тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

Бу йил 1 Май социализм лагери мамлакатларининг куч-қудрати, бирлиги, жипслиги янада мустаҳкамланганлигини яққол кўрсатди. Қадимги Пекин ва Улан-Баторда, Варшава ва Тиранада, Бухарест ва Прагада, ҳуллас социализм мамлакатларининг ҳамма шаҳарларида бўлиб ўтган байрам намойишлари буюк бирдамлик ва ҳамкорлик, дўстлик ва қардошлик, пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги шиори остида ўтди. Салкам бир миллиардга яқин аҳолини ўз байроғи остига бирлаштирган социализм лагери мамлакатларининг эришган муваффақиятлари социалистик системанинг капиталистик системага нисбатан буюк устунликларини яққол кўрсатмоқда.

Капитализм — меҳнаткашлар бошига не-не кулфатларни солаётир. Шу сабабдан капитализм қуллиги қишанларида азоб чекаётган халқлар зулмга, эксплуатация ва ҳуқуқсизликка қарши, ўз озодлиги, мустақиллиги ва тинчлиги учун тобора кескин кураш олиб бормоқдалар.

Совет халқининг коммунизм қурилиши ишида эришаётган муваффақиятлари каттадир. Саноатимиз зўр бериб юксалаётганлиги, қишлоқ хўжалигимиз кескин бурилиш йўлидан олга бораётганлиги, халқимиз моддий ва маданий фаровонлиги тўхтовсиз ўсаётганлиги, буларнинг ҳаммаси совет ижтимоий ва давлат тузумининг буюк афзалликлари, социалистик системанинг капиталистик система билан мусобақада ғолиб чиқаётганлигини кўрсатувчи далилдир.

Бутун Совет Иттифоқи каби республикамизда, шу жумладан областимизда ҳам баҳор байрами зўр сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигида ўтди. Пойтахтимиздаги В. И. Ленин номли Қизил майдонда бўлиб ўтган байрам намойиши республикамиз ва шу жумладан областимиз меҳнаткашларининг буюк бирдамлигини, партиямиз улуғ ишига содиқ эканлигини кўрсатди, халқлар дўстлигининг ажойиб намойишига айланди.

Коммунистик партиянинг ленинча доно миллий сиёсати Совет Ўзбекистонининг экономикаси ва маданиятининг барқ уриб ўсишини таъминлади. Совет ҳокимияти йилларида янги-янги саноат ўчоқлари майдонга келди. Қишлоқ хўжалигимиз ва унинг асосий тармоғи бўлган пахтачилик юксалди. Ўзбек халқининг шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданияти гуллаб-яшнамоқда. Совет Ўзбекистони қудратли индустриялашган— колхозлашган, маданияти бениҳоя юксалган социалистик республикага айланди. Шунинг учун ҳам меҳнатсевар Ўзбек халқи жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматидан миннатдордир. Шунинг учун ҳам намойишчилар кўтариб олган транспарант ва байроқларга: «Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси», «Яшасин Коммунистик партиянинг ленинча доно миллий сиёсати», «Бахтиёр ёшлик учун Коммунистик партияга раҳмат», «Яшасин СССР халқларининг бузилмас дўстлиги», «Тинчлик учун» деган оташин сўзлар ёзилган эди.

Тошкентдаги 1 Май намойиши—дўстлик ва қардошлик намойиши бўлди. Тошкент тўқимачилари, машинасозлари, шаҳар олий ўқув юртларининг студентлари, ўқитувчилари, профессорлари, илмий муассасаларининг ходимлари, маданият ва санъат аҳиллари, комсомол ва ёшлар — ҳамма якдил бўлиб байрам намойишига чиқди. Бу ерда ўзбеклар билан русларни, украинлар билан тожикларни, татарлар билан қозоқларни, ҳуллас турли миллат вакилларини учратиш мумкин. Улар бир мақсад йўлида — коммунизм улуғ ишининг тантанаси учун дўст, иноқ ва ҳамкор бўлиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар, партия ва ҳукуматимиз топшириқларини бажармоқдалар.

Бекобод, Янгийўл, Оҳангарон, Олмалиқ, Янгиер, Чирчиқ ва областимизнинг бошқа шаҳар, ишчи посёлкалари ва қишлоқларида ҳам ажойиб байрам тантаналари бўлди. Областимиз саноат корхоналарининг ходимлари, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС ХХ съезди ва партиямиз Марказий Комитети кейинги Пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошириб, мамлакатга тобора кўпроқ металл, пўлат, кўмир, машиналар, қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари етказиб беришга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

Байрам тантаналари уч кун давом этди. Завод ва колхоз клубларида, театрларда, парклларда, ёзги эстрада театрларда, стадионларда, кўчаларда ўйин-кулги, спорт мусобақалари, тўй кечалари бўлди. Ижодкор халқимизнинг озод меҳнатини, фаровон ҳаётини, Ватанга, партияга бўлган чексиз садоқатини ифодаловчи қўшиқ ва рақслар ҳамма ёқни чулғаб олган. Бу, совет кишиларининг тинч ва ижодий меҳнати самаралари, Коммунистик партиямизнинг доно сиёсати самараларидир.

Бутун дунё меҳнаткашларининг буюк бирдамлик ва ҳамкорлик куни — 1 Май тинчлик учун, демократия ва социализм учун кураш шиори остида ўтди. Халқлар уруш оловини ёқувчиларга қарши, меҳнаткашларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари учун сабот ва матонат билан курашмоқдалар. Тинчлик учун олиб борилаётган улуғ курашнинг биринчи сафларида Совет Иттифоқи бошлиқ социализм лагери бормоқда.

Қизил майдонда Биринчи Май паради ва меҳнаткашлар намойиши

Ватанимиз пойтахти меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, барча мамлакатлардаги ишчиларнинг қардошлик куни — Биринчи Майни тантана ва хурсандчилик билан кутиб олди. Москва — байрам либосида. Қадимий Қизил майдон айниқса кўркам. Традиция бўйича бу ерда ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши бўлди. ГУМ биноси устига К. Маркс ва В. И. Ленининг жуда катта портретлари қўйилган. СССРнинг, иттифоқчи республикаларнинг байроқлари ва герблари совет халқларининг бузилмас дўстлигини ифодалайди. КПСС Марказий Комитети Биринчи Май Чақириқларининг ияҳомбахш сўзлари қизил алвонларга ёзилган. Бу сўзлар совет кишиларини коммунизм ғалабаси учун курашга чақиради.

Кремль девори олдидаги гранит трибуналарда партия, давлат ва жамоат арбоблари, СССР ва иттифоқчи республикалар Олий Советларининг депутатлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, ишлаб чиқаришнинг донгдор кишилари ва қишлоқ хўжалик ходимлари, адабиёт ва санъат усталари тўпланган. Чет эллардан келган жуда кўп меҳмонлар улар билан бирликда Қизил майдонни тамоша қилиб турибдилар, парад ва намойишнинг бошланишини ҳаяжонланиб кутмоқдалар. Дипломатик корпус аъзолари, чет давлатларнинг ҳарбий, ҳарбий денгиз ва ҳарбий ҳаво атташелари ҳам шу ерда.

Қарсаклар тўлқини майдонни янгратиб юборди. А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Н. Г Игнатов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳиддинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, А. Н. Косигин ўртоқлар Мавзолейнинг марказий трибунасига чиқадилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари билан бирликда Мавзолейнинг марказий трибунасида Бирлашган Араб Республикаси президенти Гамол Абдил Носир, Бирлашган Араб Республикасининг вице-президентлари Абдил Латиф Маҳмуд Албағдодий ва Акрам Алҳавроний, Мўғулистон Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали делегациясининг бошлиғи Мўғулистон Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали раиси Ч. Сурэнжав турибдилар.

Мавзолейнинг рўпарасида бутун Қизил майдон бўйлаб қўшинлар саф тортган. Ҳарбий академияларнинг, чегарачиларнинг, денгизчиларнинг, суворовчиларнинг, нахимовчиларнинг бўлинмалари текис квадратлар шаклида саф тортиб турибдилар. Майдонга кира беришдаги йўлларда пиёда аскарлар жойлашган бронетранспортёрлар, танклар, замбараклар турибди.

Эрталаб соат 10. Парадни қабул қилувчи СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский Спаск дарвозасидан чиқиб келди. Министр қўшинлар олдидан ўта бошлайди. У, қўшинларни меҳнаткашларнинг халқаро байрами билан табриклайди. «Ура» хитоблари кутиб олиш маршининг садоларига қўшилиб янграйди. СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский қўшинларни табриклаб бўлгач, Мавзолей трибунасига чиқиб, Қуролли Кучларнинг шахсий составига, Совет Иттифоқи меҳнаткашларига, чет эллардан келган меҳмонларга қарата нутқ сўзлайди.

Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский нутқи

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари!

Ҳурматли меҳмонларимиз!

Совет ҳукумати ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети номидан ва уларнинг топширигича биноан, сизларни меҳнаткашларнинг халқаро байрами Биринчи Май куни билан табриклайман ва қутлайман!

Барча мамлакатлардаги ишчиларнинг халқаро бирдамлик ва қардошлик куни бўлган шу кунда меҳнаткашлар ўзларининг жипслашганликларини, янги урушнинг олдини олиш учун, тинчлик, демократия ва социализм учун курашга қаттиқ бел боғлаганликларини намойиш қиладилар.

Бизнинг мамлакатимиз бу йил Биринчи Май байрамини ижодий кучларга тўлиб тошган ҳолда, янги кескин юксалишда турган ҳолда кутиб олаётир. Жонажон Коммунистик партия теварагида мустаҳкам жипслашган Совет Иттифоқи меҳнаткашлари халқ хўжалигини, фан, техника, маданиятни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Совет халқи асосий иқтисодий вазифани — аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини амалда ҳал қилмоқда. Саноат ва қурилишни бошқариш партия ташаббуси билан қайта қурилганлиги батамом ва бутунлай тўғри бўлиб чиқди ва ҳозирдаёқ сезиларлик натижаларини бермоқда. Совет кишилари колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисидаги Қонунни якдиллик билан маъқуллаладилар ва уни амалга ошириш учун зўр ғайрат билан ишга киришдилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ҳақиқатан ҳам революцион характерда бўлган, марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантиришга асосланган бу тадбирлари мамлакатимиз олдида ғоят кенг истиқболлар очиб бермоқда.

Халқ Хитойи ҳамда қудратли социалистик лагернинг бошқа мамлакатлари улуғ Ленин кўрсатиб берган янги турмуш қуриш йўлида Совет Иттифоқи билан биргаликда ишонч билан олга бормоқдалар. Улар социализм учун кураш улуғ идеялари билан бирлашиб, ўз сафларининг бирлигини тинмай мустаҳкамламоқдалар, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун изчиллик ва сабот билан курашмоқдалар. Социалистик мамлакатлар қардошларча ўзаро ёрдамлашиш ва ижодий ҳамкорлик қилиш муносабатларининг намуналарини кўрсатмоқдалар. Уларнинг бирдамлиги бошқа бирон мамлакатга қарши қаратилган эмас. Ҳар қайси социалистик мамлакат миллий мустақиллигининг мустаҳкам гарантиси бўлган бу бирдамлик ҳамма халқларнинг тинчлик ва ижтимоий тараққиёт учун олиб бораётган кураши манфаатларига хизмат қилади. Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегацияси Венгрияда зўр тантана билан кутиб олинганлиги ва Совет-Венгрия музокараларининг якунлари, Климент Ефремович Ворошилов ва ҳамроҳларининг Польшада қардошларча кутиб олинганлиги, социалистик мамлакатларнинг бирлигини душман кучларнинг ҳеч бири ҳеч қачон буза олмаслигини яна бир марта яққол кўрсатди.

Совет давлати турли ижтимоий-сиёсий системаларнинг тинч-тотув яшаши мумкинлиги тўғрисидаги ленинча принципларга амал қилиб, тинчлик сиёсатини сабот ва изчиллик билан ўтказиб келмоқда. У — ташқи сиёсатимизнинг бош йўлидир. Бу йўл Совет ҳукуматининг конкрет ишларида ўз ифодасини топмоқда. Совет Иттифоқи зўр бериб қуролланишни тўхтатишни талаб қилиб, 1955 йилдан 1957 йилга қадар ўз Қуролли Кучларини 1 миллион 840 минг киши миқдорида камайтирди. Совет Армияси ва Флотини яна 300 минг киши миқдорида қисқартиш ишлари ҳозир охирига етай деб қолди. Совет Ҳукумати Америка Қўшма Штатлари ва Англия ҳукуматларига неча марталаб мурожаат қилиб, уларга атом қуролини тақиқлаш, бу қуролни ишлаб чиқаришни тўхтатишни ва шу қурол синовларини тўхтатишни таклиф этди. ССР Иттифоқи Олий Совети атом, водород қуроли синовларини ҳамма жойда тўхтатишни амалий равишда бошлаб беришга ва шу тариқа инсониятни қирғин атом уруши хавфидан узил-кесил қутқариш йўлида биринчи қадам қўйишга интилиб, ҳамма турдаги атом ва водород қуроли синовларини Совет Иттифоқининг ўзи биринчи бўлиб тўхтатганлиги тўғрисида тарихий қарор қабул қилди.

Бироқ, ғарб давлатларининг ҳукмрон доиралари уруш хавфини тугатиш мақсадини кўзлаган бизнинг таклифларимизни зўр бериб рад қилмоқдалар. АҚШ ва Англия халққа зид бўлган зўравонлик позициясига таянган ва, биринчи навбатда, социалистик мамлакатларга қарши қаратилган реакцион сиёсат ўтказиб, зўр бериб қуролланишни давом эттирмоқдалар, атом ва водород бомбаларини портлатиб, янги синовлар ўтказмоқдалар. Шимолий атлантик блокининг ҳарбий базаларини мустаҳамламоқдалар, ракеталар учириладиган майдончалар қурмоқдалар, Ғарбий Германия армиясини зўр бериб қуроллантирмоқдалар. Улар юксак доирадаги кенгашни яқин фурсатда чақиришга ҳар томонлама тўсқинлик қилмоқдалар. Бу кенгаш, Совет Иттифоқи таклиф қилганидек, етилган халқаро проблемаларни тинч воситалар билан ҳал қилиш йўлларини белгилаб бериши лозим.

АҚШ ҳарбий қўмондонлиги тинч вақтда давлатлар ўртасидаги муносабатларда мисли кўрилмаган усулларни қўллаяпмоқда, у, водород бомбалари ортилган стратегия авиацияси самолётларини неча марталаб Совет Иттифоқи чегаралари томон юборди. Америка авиациясининг бу хилдаги учишлари тинчлик учун нақадар жиддий хавф келтираётганлиги тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳам фойдаси йўқ. Биз, бундай таҳдидларга қарши норозилик билдириш билан бирга, юксак даражадаги ҳушёрликни таъминлайдиган ҳамма чораларни кўришимиз ва бу таҳдидларни даф қилишга тайёр бўлиб туришимиз лозим.

Социалистик давлат бўлган Совет Иттифоқи уруш бошлаш соҳасида ҳеч қачон ташаббусчи бўлган эмас ва бўлмайди. Бироқ, бизнинг тинчликсеварлигимиз заифлик аломати эмас. Совет Армияси, Авиацияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти империалистик реакциянинг халқимизнинг тинч меҳнатини, социалистик лагернинг бирлигини ва жипслигини бузишга қаратилган ҳар қандай ниятларини емириб ташламоқ учун етарли даражада куч ва қувватга эгадирлар.

Ўртоқлар! Сабот ва сидқидил билан қилаётган меҳнатимизнинг ҳар бир йили халқимизни, улуғ Хитой ва бошқа социалистик мамлакатлар халқларини асл мақсадимизга — коммунизмга яқинлаштира беради. Меҳнаткашларнинг тинчлик, бахтиёрлик ва фароғатли орзу билан энг яхши умидларининг ҳаммаси шу мамлакатларда рўёбга чиқарилмоқда. Капиталистик ва мустамлака мамлакатларнинг халқлари ҳаққоний ишимизнинг ғалабасига, тинчликнинг ғалабасига улуғ ишонч билан бизга қарамоқдалар. Индонезия, Бирлашган Араб Республикаси ҳамда Осиё ва Африкадаги бошқа мамлакатларнинг халқлари миллий мустақиллик учун, империалистларнинг янги мустамлакачилик планларига қарши олиб бораётган курашларида социалистик давлатларни ўзларига содиқ дўст деб биладилар.

Биринчи Май кунида биз барча мамлакатлар меҳнаткашларига қардошлик саломини йўллаймиз ва уларга тинчлик, социализм ва демократия учун олиб бораётган курашларида янги муваффақиятлар тилаймиз.

Яшасин халқлар ўртасидаги дўстлик ва тинч ҳамкорлик!

Яшасин социалистик лагерь мамлакатларининг бузилмас иттифоқи!

Муваффақият билан коммунизм қураётган қаҳрамон совет халқига шон шарафлар бўлсин!

Яшасин Совет ҳукумати!

Ҳамма ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар бўлсин!

Ура!

Майдондагиларнинг ҳаммаси бир овоздан «ура» деб қичқиради. Кремль батареялари салют бериб гумбурлайди. Совет Иттифоқи давлат гимни тантанавор янграйди.

Парад қўмондони, Совет Иттифоқи Маршали К. С. Москаленко машинаси Тарих музейи томонидан юриб келади. Унинг орқасидан ёш барабанчилар — Москва Суворов ҳарбий музика мактабининг ўқувчилари келмоқдалар. Улар усталик билан дўмбра чалмоқдалар.

Яхши таниш бўлган, совет кишилари севиб куйлайдиган «Ватан ҳақидаги қўшиқ» эшитилади. Тантанали марш қатнашчиларининг биринчи колоннаси шу қўшиқ садолари остида Мавзолей томон яқинлашмоқдалар. М. В. Фрунзе номидаги ҳарбий академия курсантлари ва қўмондонлар келаётир. Офицерлар мислсиз даражада чиройлик саф тортиб, баравар қадам ташлаб келмоқдалар. Академиянинг орден лентлари тақилган байроғи ҳилпиллаб турибди. Бу байроқни ўқиш аъзочиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони подполковник В. Д. Демченко кўтариб олган. Байроқнинг икки томонида ассистентлар — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, подполковниклар В. С. Зикеев ва А. Д. Шчеблаков қилич ялангочлаб келмоқдалар. Байроқдор ва ассистентлар қизил лентларни елкалари орқали ўтказиб тақиб олганлар.

Трибуналардагилар мамлакатимиздаги энг кекса олий ҳарбий ўқув юртининг шахсий составини қизғин қарсаклар билан кутиб оладилар.

Парадда ҳозир бўлганлар В. И. Ленин номидаги Ҳарбий сиёсий академия колоннасини қизғин кутиб олдилар.

Ф. Э. Дзержинский номидаги артиллерия инженерлик академиясининг. И. В. Сталин номидаги бронетанк қўшинлари академиясининг, В. В. Куйбишев номидаги Ҳарбий инженерлик академиясининг. Ҳарбий ҳаво академиясининг. Н. Е. Жуковский номидаги Ҳарбий ҳаво инженерлик академиясининг бўлинмалари майдондан баравар қадам ташлаб ўтадилар. Парад қатнашчиларининг бир текис, яхлит саф тортиб, шаҳдам қадамлар ташлаб ўтаётганлиги кўзни қувонтиради.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Тошкент. Суратда: В. И. Ленин номли майдонда ҳарбий парад ва меҳнаткашларнинг намойиши.

В. Салов фотоси.

Қизил майдонда Биринчи Май паради ва меҳнаткашлар номойиши

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. С. Хрушчев ВЛКСМнинг XIII съездида сўзлаган нутқида, биз бундан бўён ҳам ўзимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсатимизни ўтказиш билан бирга, ўз Ватанимизнинг мудофаа кобилиятини мустаҳкамлаш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилишимиз лозим, деди. Социалистик давлатни вужудга келтириб, социализм қурган совет халқи ўз меҳнатининг натижаларини кўриб қувонмоқда, коммунизм сари шаҳдам қадам ташлаб олга бормоқда. Биз, деган эди Ўртоқ Н. С. Хрушчев, бизнинг ҳамма ғалабаларимизни емириб ташлаш ниятида бўлган душманлар борлигини ҳамиша эсда тутишимиз лозим. Қўлга киритилган ғалабаларни муҳофаза қила билиш керак. Бунинг маъноси шуки, мамлакатимизнинг Қуролли Кучлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларнинг сафини энг яхши ёшлар билан тўлдириш, ёшларимизнинг ҳаммасини интизомни ленинча тушуниш руҳида тарбиялаш керак.

... Ҳарбий денгизчиларнинг тантанали марши олатдагидек жуда гўзал. Бу сафар парадда Ҳарбий Денгиз Флотининг вакили сифатида Олий ҳарбий денгиз билим юртининг курсантлари қатнашди. Уларни тажрибакор денгизчи контр-адмирал А. А. Батирев бош бўлиб олиб ўтмоқда.

РСФСР Олий Совети номидаги Қизил Байроқли Москва ҳарбий билим юрти курсантлари ўтаётир. Курсантлар — бўлажак офицерлар бу сафар ҳам саф бўлиб юришдаги маҳоратлари билан ҳаммани қувонтирди.

Шавкатли чегарачиларимиз кеча демай, кундуз демай, қор бўронлари ва ёмғирларда Ватанимиз чегараларида турадилар. Улар совет чегараларини сергаклик билан қўриқлайдилар. Уларнинг шонли вакиллари Москва чегара қўшинлари билим юртининг курсантлари Май байрамида Қизил майдондан юриб ўтдилар. Ф. Э. Дзержинский номидаги дивизиянинг солдатлари, сержантлари, старшиналари карабинларни қўлларида ушлаб, саф тортиб майдондан ўтдилар.

Қизил майдонда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси парадларнинг суратлари солинган панноларни кўтариб ўтмоқдалар. Бу панноларга ёзилган рақамлар металлургия, машинасозлик барқ уриб ривожланиб бораётганлигини ифодалайди.

Шуҳрат қозонган «Серп и молот» заводи коллективининг колоннаси майдонга кириб келди. Шойи байроқлар орасида ўроқ ва болға шакли ярқираб турибди.

Фрунзе райони меҳнаткашлари Қизил майдонга кириб келдилар. Намойишчилар Ер шарининг жуда катта макетини ҳамда «Жаҳонга тинчлик» деган сўзлар ёзилган пионери кўтариб ўтмоқдалар. «Каучук» заводининг ишчилари колоннанинг олдида келмоқдалар. Мамлакатда саноатга ва транспортга зарур бўлган ҳамма резина буюмларнинг қарийб тўртдан бир қисмини шу завод ишлаб чиқаради.

Красная Пресня районининг меҳнаткашлари Қизил майдондан ўтаётганда, майдон яна ҳам ажойиб тусга кирди. Улар трёхгорка чилар ишлаб чиқараётган ранг-баранг газламаларнинг намуналарини кўтариб ўтдилар. Плакатларда бу районда уйжой қурилиши нақадар кенг авж олиб кетганлигидан дарак берувчи рақамлар ёзилган.

«Жаҳонга тинчлик» деган сўзлар ёзилган зангори лентани катта ҳаво шари осмонда қилпиратиб турибди. Майдонда — Тимирязев райони меҳнаткашлари пайдо бўлди. Уларнинг сафларида — К. А. Тимирязев номидаги қишлоқ хўжалик академиясининг студентлари, ўқитувчилари, ходимлари ҳам бор. Ўрмаловчи тракторнинг жуда катта макети ўтиб бораётир. Унинг устига «Колхозга!» деган сўзлар ёзилган. Ҳақиқатан ҳам ҳозир бутун мамлакатда МТС-ларнинг техникаси колхозларга топширилмоқда, колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида СССР Олий Совети қабул қилган тарихий Қонун кучга кирди.

Гўзал панно ҳамманинг эътиборини жалб қилди — олтиндек сапсариқ бугдойзор таасвирланган шу паннога «11 миллиард пуд дон учун!», «Аҳоли жон бошига гўшт, ёғ ва сут етиштириш жиҳатдан АҚШга етиб оламиз!» деган сўзлар ёзилган.

Шоду хуррам бўлиб ашулалар айтаётган намойишчиларнинг янги-янги оқимлари Қизил майдонга кириб келмоқда. Ленин районининг эмблемаси трибуналардагиларга яққол кўриниб турибди. Мамлакатнинг илмий маркази — фанлар академияси шу районда жойлашган. Ернинг жаҳонда биринчи сунъий йўлдошларини учириб, космосни ўрганишда социалистик Ватанимизнинг биринчи ўринни эгиллаган совет олимлари шарафига табрик хитоблари айтилади.

Кумушдек оқ снарядлар колонналар орасидан чиқиб, бирданига учади ва булутлар орасида ғойиб бўлади. Бу — метеорология ракеталарининг ишлаб турган моделларидир.

Намойишчилар атомнинг жуда катта макетини кўтариб ўтмоқдалар. Мана, макет очилди-ю, унинг ичидан оппоқ кептар учиб чиқди. Шу онинг ўзидаёқ минглаб кептарлар осмонга кўтарилди. Колонналар тепасида «Ядро қуроли синовлари тўхтатилсин!», деган шиор пайдо бўлди.

«ТУ—104» самолёти макетининг кумушдек қанотлари намойишчилар сафлари устида лопиллаб бормоқда. Унинг қанотларига «Жаҳонда биринчи самолётлар» деган сўзлар ёзилган. СССРда қурилган ва жаҳонда биринчи бўлган атом музёрларининг макетини майдондан олиб ўтдилар.

Колонналарда ёшлар кўп. Алвонларга: «Бизлар ишчи ва деҳқонларнинг ёш гвардиясимиз», «Комсомол — партиянинг жанговар ёрдамчиси» деган сўзлар ёзилган. Шарқ ва Сибирнинг янги қурилишларида, Донбасс шахталарида, қўриқ ерларда ишлаётган ёшлар комсомол байроғини меҳнат шон-шуҳрати билан қопладилар.

Совет Иттифоқидаги жуда кўп миллатларнинг вакиллари бўлган йигит ва қизлар, бошқа мамлакатлардан келиб ўқиётган студентлар Москва университети эмблемасини кўтариб ўтдилар.

Намойишчилар гуллардан ясалган ва «1958 йилнинг Биринчи Майи» деган сўзлар ёзилган жуда катта аркни кўтариб ўтмоқдалар.

Совет халқининг ўз дўсти ва қардоши улуғ Хитой халқига йўллаётган қизғин саломи Амур дарёсининг нарёғидаги узоқ жойларга албатта эшитилади. Албания, Болгария, Венгрия, Вьетнам, Германия Демократик Республикаси, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Мўғулистон Халқ Республикаси, Польша, Руминия, Чехословакия, Югославия меҳнаткашлари шарафига айтилган табрик хитоблари Қизил майдонда янграйди. Совет халқининг улуғ ҳинд халқига, Индонезия, Бирма, Цейлон, Камбоджа халқларига бўлган қизғин хайрихоҳлик ҳислари колонналар кўтариб бораётган алвонлар ва паннолардаги сўзларда ифодаланган.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари империалистларнинг янги мустамлакачилик планларига қарши, ўз давлатларининг миллий мустақиллигини ва суверенитетини мустаҳкамлаш учун курашаётган Араб Шарқи халқларининг истак-орзуларини нақадар қадрлаётганликларини Биринчи Май кунида яна бир марта таъкидладилар.

Намойишчилар, Англия, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги бутун дунёда мустаҳкам тинчликнинг гарови бўлади, деб хитоб қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг миллион-миллион кишилар қалбидан жой олган Биринчи Май Чақириғи бутун дунё халқларига қаратилган чақириқдир: — Совет Иттифоқи ҳамма турдаги атом ва водород қуроли синовларини тўхтатди. АҚШ ва Англия ҳукуматларидан атом ва водород қуроли синовларини ҳамма жойда ва абадий дарҳол тўхтатишни талаб қилингиз!

Давлатларнинг ижтимоий тузумидан қатъи назар, ҳамма халқларнинг дўстлигини таъминлаш Совет ҳукумати ленинча ташқи сиёсатининг — тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ҳамма мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш сиёсатининг мустаҳкам негизидир. Намойишчилар Совет ҳукуматининг шу мақсадга қаратилган янги ташаббусларини қизғин равишда мақуллаётганликларини изҳор қилдилар.

Меҳнаткашларнинг Қизил майдондаги Биринчи Май намойиши коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида эришилган ғалабалар кўриги бўлди. Бу намойиш халқ билан партиянинг бузилмас бирлигини, социалистик тузум кучларининг ҳаётбахш манбаи, коммунизм қуришдаги янги муваффақиятларнинг гарови бўлган бирликни яққол кўрсатди. (ТАСС).

Тошкентда Биринчи Май паради ва меҳнаткашлар намойиши

Баҳор қуёшининг нурларига чўмган, ям-яшил дарахтлар ва очилиб турган ранг-баранг гуллар билан безанган Тошкент кўчалари 1 Майда чиройли байрам кийимлари кийган хушчақчақ кишилар билан лиқ тўлди. Ўзбекистон пойтахтининг кенг магистраллари орқали меҳнаткашларнинг колонналари Ленин номидаги майдон томон борди. Бу майдонда Шарқ халқларига бахт-саодат ва коммунизм йўлини кўрсатиб берган севикли доҳининг улуғвор монументи бор.

Республика Ҳукумат уйи биносининг тепасида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари баҳорнинг майин шабадасида силпираб турибди. Бино саҳнида партия ва ҳукумат раҳбарларининг портретлари, КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқлари ёзилган транспарантлар қўйилган.

Меҳмонлар учун белгиланган трибуналар СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, министрлар, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари ва новаторлари, фан ва маданиятнинг атоқли арбоблари, Ўрта Осиёдаги революцион ҳаракатнинг ветеранлари билан лиқ тўлди.

Ҳукумат минбарида М. А. Абдуразоқов, А. П. Бизов, Г. А. Габриэльянц, Р. Г. Гуломов, С. К. Камолов, Р. Е. Мельников, М. З. Мирзаахмедов, Қ. Муртазоев, С. Н. Нуриддинов, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, М. В. Муҳаммаджонов, А. Н. Рудин, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари С. К. Зиёдуллаев, Е. С. Насриддинова, А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари И. В. Бабков, «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Турсунқулов, ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Иброҳимов, Ўзсовпроф раиси Ж. К. Хўжаев, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Хўжаев, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов ҳамда республика ва унинг пойтахти раҳбар партия ва совет ходимлари турибдилар.

Майдонда ва унга ёндош бўлган кўчаларда Тошкент гарнизонининг қўшинлари саф тортиб турибдилар. Эрталаб соат 10. Жим бўлиб қолган майдонга Туркистон Ҳарбий Округи қўшинларининг қўмондони, армия генерали И. И. Федюнинский машинада кириб келади. У парад қўмондонининг рапортини қабул қилиб, солдат ва офицерлар билан саломлашади. Сўнгра трибунага чиқиб нутқ сўзлайди.

Қўмондон республика ҳукумати ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номидан ва уларнинг топшириғи билан жангчиларни ҳамда меҳнаткашларни Биринчи Май байрами билан табриклаб таъкидлайдики, бу кунни Совет Иттифоқининг халқлари КПСС XX съезднинг тарихий қарорлари туфайли сиёсий руҳ ва меҳнат ғайрати гоят ошган вазиятда кутиб олмоқдалар. Қўш орденли Ўзбекистоннинг ишчилари, колхозчилари ва зиёлилари коммунистик қурилиш ишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Қўмондон тинчлик учун курашда халқларнинг бирлиги мустаҳкамланаётганлиги тўғрисида, социалистик лагерь мамлакатларининг қудрати ўсиб бораётганлиги тўғрисида гапиради. Социалистик давлатлар меҳнаткашларининг, бутун халқаро коммунистик ҳаракатнинг гоят катта муваффақиятлари империалистларнинг ғазабини оширмоқда. Лекин совет халқи агрессорларнинг кирдикорларини сергаклик билан кузатиб бормоқда ва севикли Ватанинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўрмоқда. Жонажон Коммунистик партиянинг синалган раҳбарлиги остида ўзининг жанговар маҳоратини узлуксиз такомиллаштираётган Совет Қуролли Кучлари халқимизнинг тинч ижодий меҳнатини зийраклик билан қўриқлаб турибди.

Қўмондон ўз нутқини қаҳрамон совет халқи шарафига, жонажон Совет ҳукумати шарафига, барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига табрик сўзлари айтиш билан тугаллайди. Қўмондоннинг табрик сўзларига жавобан кучли «Ура!» садоси янграйди. Байрам салюти гумбурлайди. ССР Иттифоқи давлат гимни ва Ўзбекистон ССР гимни улуғвор янграйди.

Турли турдаги қўшин қисмларининг бўлинмалари бир текис сафтортган ҳолда шаҳдам қадам ташлаб ўтадилар. Қудратли техника ўтмоқда. Ғалаба шон-шарафи билан қопланган жанговар байроқлар баланд кўтарилган. Жангчилар ўзларининг юксак маҳоратларини, партия ва ҳукуматнинг биринчи чақириғи биланоқ ҳар қандай агрессорга қақшатгич зарба беришга тайёр эканликларини, Октябрнинг буюк ғалабаларини зийраклик билан ҳимоя қилишга, тинчлик ва халқлар ҳавфсизлигини сақлашга тайёр эканликларини намойиш қилиб кўрсатмоқдалар.

Одат бўлиб қолган традицияга мувофиқ шаҳарнинг кенжатойлари Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг намойишини бошлаб берадилар. Майдон бахтиёр болалар билан янада гўзаллашиб кетди.

Меҳнат резервлари мактаблари шогирдларининг колонналари жуда яхши саф тортиб ўтмоқда.

Майдонда бир неча дақиқа жимлик ҳукм суради. Гулдурос қарсаклар бу жимликни бузиб юборади. Майдонга «Халқлар дўстлиги» деган терма колоннанинг қатнашчилари кириб келадилар. ССР Иттифоқи ва иттифоқчи республикаларнинг мағрурона баланд кўтариб олинган герблари ва байроқлари катта панорамани ҳосил қилади. Бу панорама коммунистик жамиятнинг муҳташам биносини биргаликда қураётган совет кишиларининг қардошлиги ва тенглиги тўғрисидаги ленинча идеяларнинг тантанасини ифодалайди.

Намойишчилар трибуналардан айтилаётган:

«Яшасин ва яшнасин кўпмиллатли социалистик давлатимиз куч ва қудратининг манбаи бўлган СССР халқларининг дўстлиги!» деган Биринчи Май чақиригидаги сўзларни қизғин қувватламоқдалар.

Майдонга байрамолди вахтасининг голиблари — Ленин районининг меҳнаткашлари биринчи бўлиб кириб келадилар. Уларнинг сафларида Ўрта Осиёда энг кекса корхона — Октябрь революцияси номидаги завод кўп минг кишилик коллективининг вакилари бор. Яширин ҳолда ўтказилган маёвкалар тўғрисидаги хотиралар кекса ишчиларнинг ҳали эсидан чиққани йўқ. Туркистон ўлкасида Октябрь байроғини биринчи бўлиб кўтарган Тошкент темир йўлчиларининг шонли революцион традицияларини ишчилар эҳтиётлик билан сақламоқдалар.

Трибунадагилар шаҳар партия комитетининг кўчма Қизил байроғини олган «Ўзбексельмаш» заводининг ходимларини самимий кутиб оладилар. Бу корхона коллективи чигитни квадрат-уялаб экадиган ва унификация қилинган сеялкани кўплаб ишлаб чиқаришга ўзлаштирди. «Ташсельмаш» заводининг ишчилари ва конструкторлари эришилган янги муваффақиятлар тўғрисида рапорт бермоқдалар. Улар пахтачиликда қўлланиладиган барча хил тирков куроллари фойдаланиш учун мўлжалланган ўзюрар шассининг тажриба нусхасини тайёрладилар, пахтачиликда ишлатиладиган ҳамда вазни енгиллаштирилган ва қуввати оширилган мукаммал трактор тайёрлаш Майга совга қилиб тўқимачилик машиналари ва бошқа ускуналарнинг янги нусхаларини тайёрладилар.

Тўқимачилик комбинатининг ходимлари қарсаклар билан кутиб олинади. Комбинатнинг кўпминг кишилик коллективи байрам кунигача пландан ташқари чиқарилган маҳсулот фонди учун қарийб бир миллион метр яхши сифатли ип-газлама берди. Ўзбекистон пойтахти индустрияси бошқа тармоқлари корхоналарининг вакиллари меҳнатда эришган ажойиб ғалабалари тўғрисида рапорт бермоқдалар.

Тошкент қуруқчилари ҳам Биринчи Май намойишига совғалар билан келдилар. Улар ;-ўй-жой ва саноат бинолари қуришда қунт билан индустриал методларни жорий этиб, шаҳар қиёфасини жуда тез суръатлар билан ўзгартириб юбормоқдалар.

Саноат ва қурилиш ходимлари билан бирга шаҳар корхоналарида токарлик, слесарлик, темирчилик ва электросварщиклик ҳунарларини ўрганаётган колхоз қишлоқларининг меҳнаткашлари ҳам майдон орқали ўтдилар. Тошкент меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорини жанговар иш программаси деб кутиб олдилар. Улар давлатдан сотиб олинган техникани ўзлаштиришда оталикдаги колхозларга амалий ёрдам бериб, 46 та кўчма ремонт устахоналари тайёрладилар ва қишлоқ хўжалик артеллларига юбордилар.

Ўзбекистон олимларининг сафи ҳеч қачон ҳозиргидек катта бўлмаган. Иккита академияга, Ядро физикаси институтига ва ўнларча бошқа тармоқ тадқиқот муассасаларига эга бўлган Тошкент ҳозирги вақтда Шарқда йирик илмий фикр маркази бўлиб қолди. Санъат ва адабиёт ходимлари ўзларининг марксизм-ленинизмнинг ҳаётбахш идеяларига содиқликларини, бундан бўён ҳам халқ манфаатлари йўлида хизмат қилишга тайёр эканликларини намойиш қилиб ўтмоқдалар. Улар Москвада яқинда бўладиган декадада ўзларининг маҳоратларини кўрсатишга катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Намойишда ўзбек зиёлиларининг шонли отряди бўлган врачлар ва педагоглар, конструкторлар ва архитекторлар, матбуот ва радио ходимлари ўтиб бормоқдалар. Яқин орада республиканинг узлуксиз кўпайиб бораётган илмий-техника зиёлилари қаторидан жой оладиган студентлар улар билан бир қаторда бормоқдалар.

Намойишчилардан кўплари шу заҳ кунда Самарқанд ва Фарғона, Наманган ва Янгиернинг аҳолиси ўз телевизион аппаратлари экранларида кўраётганлигини билмай қолишлари мумкин. Биринчи марта телевидение ёрдами билан Ленин номидаги майдоннинг чегараси юзларча километрга чўзилиб, кўпгина шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолисига Ўзбекистон пойтахтидаги Биринчи май тантаналарининг суратки қатнашчиси бўлиш имкони берилди.

КПСС Марказий Комитети чақириқларининг оташин сўзлари юзларча транспарантларда такрорланади:

«Ҳалқаро пролетариатнинг жанговор бирдамлиги — социализм ишининг енгилмаслик гаровидир! Пролетар интернационализми байроғини баланд кўтарайлик!»

«Тинчлик учун, демократия учун социализм учун курашаётган барча халқларга қардошлик саломи!».

Намойишчилар улуғ хитой халқига, халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашларига, тинчлик учун ва кишиларнинг бахт-саодати учун барча курашчиларга самимий салом йўллайдилар.

Физкультурачилар колоннаси байрам юришини тугаллайди. Енгил спорт кийимлари кийиб олган йигит ва қизлар ўзларининг юксак маҳоратларини, умумиттифоқ ва ҳалқаро жаҳвалларга янги рекордлар кўпишга тайёр турганликларини намойиш қиладилар.

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари Биринчи Май кунида миллионлаб совет кишилари билан бирликда ўзларининг буюк ленинча идеяларга содиқ эканликларини, Коммунистик партия ва унинг Ленинча Марказий Комитетининг синалган раҳбарлиги остида халқларнинг бузилмас дўстлигини мустаҳкамлашга, коммунистик жамият қурилишида тагин ҳам катта муваффақиятлар қозонишга қатъий қарор берганликларини яна бир марта зўр куч билан намойиш қилиб кўрсатдилар.

* * *

Ленин номидаги майдонда тантанали мелодиялар тиниши билан шаҳар устида қўшиқлар, рақс музикасининг куйлари янгради. Халқ шодиёнаси бир соат ҳам тўхтамади. Байрам паркларга, скверларга, боғларга, кенг кўчаларга ўтди.

Шаҳар турли-туман чироқлар билан безанган кечки пайтда, ҳар бир уйда қариндошлар, танишлар, дўстлар ва ўртоқлар байрам дастурхони устида тўпландилар. Улар совет халқининг тинч ижодий меҳнатда янги муваффақиятларга эришувини тилаб қадаҳ кўтариш билан бир-бирларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тиладилар. Уйларнинг очиб қўйилган деразаларидан Биринчи Май солютининг нурлари порлаб кўринди. (ЎзТАГ).

Областимиз шаҳарларида 1 Майнинг байрам қилиниши

БЕКОБОД

Шаҳар меҳнаткашлари баҳор байрами — 1 Майни меҳнатда янги-янги муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда кутиб олдилар. Шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари 4 ойлик яхши маҳсулот ишлаб чиқариш планини 105,5 процент қилиб бажарди. Пландан ташқари 5 миллион 325 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Биринчи Май куни эрталабдан бошлаб шаҳар кўчалари намойишчилар билан лиқ тўлди. Шаҳар маданият ва истироҳат боғи олдига ўрнатилган трибуна чиройли қилиб безатилган.

Биринчи бўлиб трибуна олдидан шаҳар мактабларининг ўқувчи-пионерлари, ўқитувчи ва бошқа халқ маорифи ходимлари ўтдилар. Сўнгра физкультурачилар паради ўта бошлайди. Шундан кейин Ўзбекистон металлургия заводининг коллективи, Фарҳод ГЭС энергетиклари, пахта тозалаш заводи, қурилиш ташкилотларининг меҳнатсевар коллективлари шаҳдам қадамлар билан ўтиб борадилар.

Намойиш тамом бўлгандан кейин чиройли қилиб безатилган шаҳар боғлари, ўрмончаларда, кўкаламзор жойларда ва шаҳар кўчаларида оммавий сайиллар бошланиб кетди. 2 майда металлургларнинг ўрмончасида жуда катта маёвка ўтказилди. Маёвкада шаҳар ва район меҳнаткашлари ҳамда қардош Тожикистон республикасининг яқин районларидан келган кўпгина меҳмонлар ҳордиқ чиқардилар.

ОҲАНГАРОН

Эрталабданоқ шахтёрлар шаҳрининг барча кўчалари намойишчилар билан гавжум бўлди. Тантанали митингдан сўнг меҳнаткашлар намойиши бошланди. Шаҳар саноат корхоналари, қурилиш бошқармалари ва турли ташкилот, муассасаларнинг коллективлари трибуна олдидан ғалаба рапортлари ёзилган транспарантлар, партия, ҳукумат арбобларининг портретлари ва қизил байроқлар кўтариб ўтдилар. Улар орасида 4 ойлик планни муддатидан илгари бажарган 9-шахта, кўмир разрези, кўмир қидирув партиясининг меҳнатсевар коллективлари бор.

Колонналар кетидан колонна ўтиб боради. Намойишчилар юзида кулги, қалбларда чексиз севинч.

Меҳнаткашлар намойиши тугагандан сўнг шаҳарда байрам тантаналари авжига чиқади. Шаҳарнинг соя-салқин жойларида, клубларда, маданият ва истироҳат боғида оммавий халқ сайиллари бошланиб кетди. Бадиий ҳаваскорлар концерти, рақс, танца ва бошқа оммавий ўйинлар ярим тунга қадар давом этди.

ЧИРЧИҚ

Шаҳар аҳолиси одатдагидан кўра анча барвақт уйғонди. Химиклар, машинасозлар, энергетиклар шаҳри байрам либосида.

Соат 11 да меҳнаткашларнинг байрам намойиши бошланди. Уни спортчилар колоннаси бошлаб берди. Улар кетидан мактаб ўқувчилари бормоқда.

Шаҳар корхоналарининг колоннасини традиция бўйича энг илғор коллектив бошлаб беради «Ўзбекхиммаш» заводининг машинасозлари ана шу шарафга муяссар бўлдилар. Завод меҳнаткашлари байрамолди мусобақасида юқори кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Бу завод коллективи 4 ойлик давлат планини муддатидан анча илгари бажариб, пландан ташқари 10 миллион сўмлик маҳсулот берди. «Чирчиксельмаш» заводи, электр машинасозлиги заводи, енгил саноат корхоналарининг коллективлари ҳам 1 Майни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олдилар.

1 Май байрамида Чирчиқ меҳнаткашлари ижодий кучлари тўлиб-тошганлигини, жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати атрофига маҳкам жипслашганликларини яна бир бор намойиш қилдилар. Улар шу тантана кунларида Коммунистик партия томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни бажаришга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

Совет ва араб халқлари дўстлиги мустаҳкамлансин!

☆ ☆ ☆

Бирлашган Араб Республикаси Президенти Гамол Абдил Носир Тошкентга келди

3 май кечқурун Совет Ўзбекистонининг пойтахти тантана тусини олган эди. Шу куни Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган дўст давлатнинг бошлиғи, Бирлашган Араб Республикаси Президенти Гамол Абдил Носирни самимий ва дўстона кутиб олди.

Меҳнаткашларнинг жуда кўп вакиллари атоқли давлат арбоби Президент Носирни табриклаш учун, мустамлакачиликка қарши, озодлик ва миллий мустақиллик йўлида курашга дадил отланган қаҳрамон араб халқига ўз муҳаббатини изҳор қилиш учун аэродромга тўпландилар. Шу ерда ҳозир бўлган кишилар дўст давлатнинг байроқчаларини кўтариб олганлар. Бирлашган Араб Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари баланд ҳилпираб турибди. Аэропрот биносининг пештоқига Гамол Абдил Носирнинг катта портрети қўйилган.

Ҳурматли меҳмонни кутиб олиш учун СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети Раисининг ўринбосари С. К. Камолов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. З. Мирзаахмедов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Р. Е. Мельников, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарлари Р. Ғ. Ғуломов, А. Н. Рудин, СССР Олий Советининг депутатлари М. А. Абдураззоқов, А. П. Бизов, Қ. Муртазоев, С. Нуриддинов, Ф. Ҳўжаев, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. К. Зиёдуллаев, М. В. Муҳаммаджонов, Ё. С. Насриддинова, А. А. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков, Туркистон Ҳарбий Округи қўшинлари кўмондони армия генерали И. И. Федюнинский, республика Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомова, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министри Ғ. С. Султонов, республика министрлари С. А. Азимов, В. А. Билбас. Т. Жалилов, Ҳ. А. Маъруповв, В. Муротхўжаев, Р. С. Соатов, В. С. Содиқова, И. В. Стрельцов, Ж. Ҳонназаров, М. А. Шарков, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари Г. А. Габриэльянц, Х. Ж. Жалилов, И. Раҳимов, Қ. Р. Рўзметов, С. С. Черник, М. Йўлдошев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти Ҳ. М. Абдуллаев, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов ва республиканинг бошқа давлат ҳамда жамоат арбоблари, совет журналистлари, мусулмон руҳониларининг вакиллари аэродромга келдилар. Аэродромда шундан бироз вақт илгари Тошкентга келган араб журналистлари ҳам бор эди.

Тошкент вақти билан соат 19 50 минут. Президент Носир ва унинг ҳамроҳлари тушган «ТУ-104» ҳаво кемаси пайдо бўлиб, аэродромга қўнади. Ҳамма қизғин табриклаган Гамол Абдил Носир самолётдан тушиб келади. Бирлашган Араб Республикасининг Вице-президентлари Абдил Латиф Маҳмуд Албардодий ва вице президент Акрам Алҳавроний, Маориф министри Камолиддин Ҳусайн, Ташқи ишлар министри доктор Маҳмуд Фавзий, Бирлашган Араб Республикаси Сурия райони муниципалитетлари ва вилоятлари министри Аҳмад Абдил Карим, республика президентлиги давлат министри Али Сабри, Бирлашган Араб Республикасининг СССРдаги элчиси Муҳаммад А. Алкуний, умумий ахборот хизмати директори вакил Салоҳ Муҳаммад Носир ва бошқалар Президентга ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Президент Носирнинг Совет Иттифоқи бўйлаб қилаётган сафарида унга ҳамроҳ бўлган Н. А. Муҳитдинов, А. Н. Косигин ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. Раҳматов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. А. Зорин, армия генерали А. И. Антонов, СССРнинг Бирлашган Араб Республикасидаги Элчиси Е. Д. Киселёв, СССР Ташқи ишлар министрлиги Яқин Шарқ мамлакатлари бўлимининг мудири Г. Т. Зайцев, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлими мудирининг ўринбосари Д. С. Никифоров ва бошқа расмий кишилар у билан бирга келдилар.

Болалар дўст араб халқининг вакилларига гулдасталар тақдим этадилар.

Гамол Абдил Носир фахрий қоровул бошлиғининг рапортини қабул қилади. Бирлашган Араб Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР тимнлари янграйди.

Президент Носир ва унинг ҳамроҳлари республика давлат ва жамоат арбоблари билан дўстона кўришиб саломлашадилар.

Ш. Р. Рашидов азиз меҳмонга ва унинг ҳамроҳларига қарата нутқ сўзлайди:

Муҳтарам Президент жаноблари!
Ҳурматли меҳмонлар!

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиуми ва Ҳукуматининг топшириғига мувофиқ ва бутун Ўзбек халқи номидан Сизни ва Сиз орқали бизга дўст эрксевар, мард ва истеъдодли Бирлашган Араб Республикаси халқини зўр хурсандчилик ва самимият билан табриклайман.

Президент жаноблари, Сизни ва Сизнинг ҳамроҳларингизни — Бирлашган Араб Республикаси давлат арбоблارини Совет Ўзбекистони пойтахти Тошкент шаҳрига келишингиз билан чин кўнгилдан кутлашга ижозат бергайсиз.

Совет ҳукумати, бизнинг халқимиз Бирлашган Араб Республикасининг ва Президент жаноблари шахсан Сизнинг тинчлик йўлидаги олижаноб кураш ишига қўшаётган катта ҳиссангизни қизғин маъқуллайдилар ва гоят қадрлайдилар. Араб Шарқи мамлакатлари Совет Иттифоқини бегараз ва содиқ дўст деб биладилар. Совет Иттифоқи Араб Шарқи халқларининг озодлик йўлидаги курашига ҳамиша самимий хайрихоҳлик ва муҳаббат билан қараб келмоқда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Араб Шарқи халқларининг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Бирлашган Араб Республикасини биринчи бўлиб таниди ва тенг ҳуқуқлилик ҳамда бир-бирларини ҳурмат қилиш асосида бу республика билан дўстона муносабатда бўлиб келмоқда. Бирлашган Араб Республикаси Миср ва Сурия халқларининг империализмга қарши, миллий мустақиллик ва тинч тараққиёт учун олиб борган кураши жараёнида вужудга келганлигини яхши биламиз.

Президент Гамол Абдил Носир жаноблари, совет кишилари Сизни атоқли давлат арбоби, тинчлик йўлидаги саботли курашчи сифатида табриклайдилар.

Биз шунга чуқур аминмизки, Сизнинг Совет Иттифоқига, шу жумладан Ўзбекистонга қилган визитингиз СССР билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни кучайтириш ишига катта ҳисса қўшади.

Муҳтарам Президент жаноблари, ҳурматли жаноблар! Биз сизларнинг келишингиздан астойдил хурсандмиз ва Ўзбекистон республикасига қилган сафарингиз фойдали, мароқли ва ёқимли бўлиши учун зарур бўлган ҳамма чорани кўрамиз.

Хуш келибсиз Президент жаноблари!

Хуш келибсизлар азиз меҳмонлар!

Президент Гамол Абдил Носир микрофон ёнига келиб, нутқ сўзлади:

— Президент жаноблари, дўстлар!

Мен ўз шерикларим — Бирлашган Араб Республикасининг вакиллари билан биргаликда бу ерда — Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида сизлар билан учрашганлигим туфайли бахтиёрман. Мен табрик сўзларингиз учун ва самимий кутиб олганлигингиз учун Сизга ташаккур изҳор қиламан. Бу кутиб олиш мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликнинг ифодасидир. Империалистик агрессияга қарши кураш олиб борган кунларимизда бизни қўллаб-қувватлаганлигингиз учун ҳам сизларга Бирлашган Араб Республикаси халқларининг миннатдорчилигини изҳор қиламан.

Араб халқлари ўзларининг миллий мустақиллиги ва экономикасини мустаҳкамлаш учун империалистларга қарши кураш олиб бормоқдалар. Бизнинг ташаббусимизни, олдимизда турган масалаларни қўллаб-қувватлаб, кўрсатаётган ёрдамингиз учун совет халқидан, Совет ҳукуматидан миннатдормиз.

Араб халқлари бизга нисбатан дўстлигингизни ҳамиша сезиб келдилар. Бугун Сизнинг мамлакатингизга келиш билан алоқаларимизни мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссамни қўшаман.

Самимий кутиб олганлигингиз учун яна бир марта ташаккур изҳор қиламан ва совет халқи билан араб халқи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тобора мустаҳкамланишини тилайман.

Раҳмат!

* * *

Президент Носир ва унинг ҳамроҳлари шаҳар меҳнаткашларининг аэродромга тўпланган вакиллари ёнига келадилар ва улар билан самимий саломлашадилар. Бунга жавобан давомли қарсаклар бошланади.

Гамол Абдил Носир, Н. А. Муҳитдинов ва Ш. Р. Рашидов очиқ машинага тушиб, шаҳарга қараб йўл оладилар. Ўзбекистон пойтахтининг неча минглаб аҳолиси бутун йўл бўйлаб уларни қизғин табриклайдилар. (ЎзТАГ).



Бирлашган Араб Республикасининг Президенти Гамол Абдил Носир

Бирлашган Араб Республикасининг Президенти Гамол Абдил Носир 1918 йил 15 январда Асют вилоятидаги (Юқори Миср) Бани Мур деган жойда, почта хизматчисининг оиласида туғилган.

1935 йилда Абдил Носир Қоҳирадаги «Нахда Алмисрия» номли ўрта мактабни аъло баҳо билан тамомлаган, сўнгра Ҳарбий колледжда ўқиган. Бу колледжни тамомлаганидан кейин бир неча йил давомида Миср ва Судандаги ҳарбий қисмларда хизмат қилган.

1942 йилда Гамол Абдил Носир Ҳарбий колледж инструктори вазифасига кўчирилади. Тез орада у Бош штабнинг колледжига кириб, бу ерда ўқишни аъло баҳо билан тамомлайди. Фаластин уруши вақтида (1948-1949 йилларда) Гамол Абдил Носир уруш ҳаракатларида актив қатнашди. Разведкада хизмат қилганида елкасидан ярадор бўлиб госпиталга юборилган эди, лекин бир неча кундан кейин бу госпиталдан чиқди. Жангларда ўрнак кўрсатганлиги учун бир неча орден билан мукофотланди. Фаластин уруши тамом бўлгандан кейин Бош штабнинг колледжига ўқитувчи қилиб тайинланди.

Гамол Абдил Носир «Озод офицерлар» номли шолегал офицерлар ташкилотининг асосчиси ва раҳбари бўлди. Бу ташкилот монархияни агдариб ташлаш ва мамлакатни чет эл оккупациясидан озод қилишни ҳамда империализмга ва феодализмга қарши курашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

«Озод офицерлар» ташкилоти Гамол Абдил Носир раҳбарлигида 1952 йил 23 июлда армиянинг монархияга қарши курашига бош бўлди. Бунинг натижасида король Форуқ агдариб ташланди ва мамлакатдан сургун қилинди, 1953 йил 18 июнда эса Миср республика деб эълон қилинди. Мамлакатда аграр реформа ўтказилди. 1954 йил апрелида Гамол Абдил Носир Миснинг бош министри бўлди, шу йилнинг ноябрь ойида эса олий ҳокимият органи бўлган Революцион Кенгаш унинг зиммасига республика президенти вазифасини юклади.

1955 йил апрель ойида Гамол Абдил Носир Миср делегациясининг бошлиғи сифатида Бандунг конференциясининг ишида актив қатнашди.

1956 йил июнь ойида умум халқ овоз бериши билан республиканинг Конституцияси маъқулланди. Бу конституцийта мувофиқ Гамол Абдил Носир Мисрнинг биринчи президенти қилиб сайланди.

Президент Гамол Абдил Носир бошчилигидаги Ҳукумат Сувайш канали зонасидан инглиз қўшинларининг олиб чиқиб кетилишига муваффақ бўлди, 1956 йил 26 июлда эса «Сувайш канали умумий кемачилик компанияси»нинг национализация қилинганлигини эълон қилди ва каналда кемаларнинг нормал қатнаб туришини таъминлади.

1956 йил октябрида Мисрга қуролли ҳужум қилинган вақтда Гамол Абдил Носир Миср халқининг инглиз-француз-исроил агрессорларга қарши курашига бошчилик қилди. Миср бу курашда бошқа тинчликсевар халқларнинг ёрдами билан ўзининг территориал бутунлигини ва миллий мустақиллигини қаттиқ туриб сақлаб қолди.

Гамол Абдил Носир империалистларнинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги планларига қарши, ўз миллий мустақиллиги учун, Осиё ва Африка халқларининг мустамлакачилик кишанларидан тамомила озод бўлишлари учун олиб борилаётган курашда араб халқларининг бирлигини илгари суриб келмоқда. 1957 йил декабрь ойида унинг кўмаги билан Қоҳирада Осиё ва Африка мамлакатларининг Бирдамлик конференцияси ўтказилди.

1958 йил февралида халқнинг овоз бериши натижасида Миср ва Сурия бир давлат бўлиб — Бирлашган Араб Республикаси бўлиб бирлашдилар. Бу республикага федерал иттифоқ шаклида Яман короллиги ҳам қўшилди. Айни вақтда Гамол Абдил Носир Бирлашган Араб Республикасининг Президенти қилиб сайланди.

Араб журналистлари Тошкентда

Бирлашган Араб Республикаси Президенти Гамол Абдил Носирнинг Совет Иттифоқи бўйлаб қилаётган сафарида унга ҳамроҳ бўлган Миср ва Сурия журналистлари группаси 3 майда Тошкентга келди. Булар орасида ҳукумат агентлиги МЕН директори Камол Алхенави, Қоҳирадаги ҳукумат радиосининг директори Абдул Ҳамид Юнус, «Ал-Маса» газетасининг бош редактори, Миллат мажлисининг депутати Холид Муҳиддин, «Аш-Шаоб» газетасининг бош редактори, Миллат мажлисининг депутати Лутфи Вакед, ҳукумат газетаси «Ал-жумхурия»нинг бош редактори Мустафо Халил Ал Местакави, «Ал-Ахбар» газетасининг ҳамда «Ахбор Ал Иоум» нашриётининг бош редактори ва эгаси Мустафо Амин, «Ал Ахром» газетасининг ва «Ахер Саа» журналининг бош редактори Муҳаммад Ҳусайн Ҳайкал, «Ал-Кохира» газетасининг бош редактори Муҳаммад Собейх, Сурияда чиқадиган «Рай Ал Алем» газетасининг бош редактори Аҳмад Асса, Сурияда чиқадиган «Ан-Носр» газетасининг бош редактори Вади Садави, «Ал-Мусоват» журналининг бош редактори Фикри Абазе ва бошқалар бор.

Араб журналистларини «Қизил Ўзбекистон» газетаси редактори ва Ўзбекистон журналистлари союзи ташкилот комитетининг раиси И. Раҳимов, Ўзбекистон телеграф агентлигининг масъул раҳбари Р. С. Сахибоев, «Правда Востока» газетасининг редактори С. С. Черник, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги радио-эшиттириш ва телевидение комитетининг раиси У. Иброҳимов, «Муштум» журналининг редактори А. Пўлатов, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори З. Есенбоев ва республика матбуотининг бошқа вакиллари кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

Бирлашган Араб Республикаси Президенти Гамол Абдил Носир нинг Тошкент аэропортида кутиб олиниши. Микрофон олдида Гамол Абдил Носир.
И. Глауберзон фотоси.

Болтиқ денгизидан тортиб Тинч океангача

Социалистик Ватанимиз Биринчи Май байрамини тантана ва хурсандчилик билан нишонлади. Болтиқ денгизидан тортиб Тинч океанга қадар бепоён мамлакатимизнинг ҳамма жойлари ажойиб байрам либосини кийган эди.

Улуг Октябрь бешиги — Ленин шаҳри. Биринчи Май куни у айниқса кўркам эди. Енгил шабада биноларнинг тепасидаги ва кўприкларнинг парапетларидаги байрам байроқларини ҳилпиратиб турибди. Ҳамма ерда ўлмас Ленининг портретларини кўрасиз. Буюк революцион воқеаларнинг шоҳиди бўлган Сарой майдони бугун айниқса чиройлик. Ленинград меҳнаткашлари Биринчи Май куни эрталаб ана шу майдонга тошилдилар. Харбий параддан кейин кишилар оқими майдонга кириб кела бошлади. Трибуналардагилар тўрт орденли Киров заводи коллективининг колонналарини қарсаклар билан кутиб олдилар. Ленин шаҳридаги бошқа корхоналарнинг коллективлари меҳнат соҳасида эришган галабалари тўғрисида рапортлар бериб, тарихий майдондан ўтадилар. Мана, индустриал Ленинграднинг шонли отряди — 200 минг киловатт қувватли уникал турбина яратган металл заводининг коллективи майдондан ўтмоқда.

Ленинградликларнинг байрамида Қизил Байроқли Болтиқ флотининг жанговар кораблари қатнашдилар.

Совет Украинасининг пойтахти жуда кўркам. Каштан ва теракларнинг ямашил шохлари баланд бўлиб ўсган. Оқ тошдан қурилган янги бинолар очилиб турган гуллар билан безатилган. Биноларнинг фасадларига улуг Ленининг Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг портретлари, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Май чақириқлари ёзилган алвонлар, украин халқининг партия XX съезди қарорларини амалга ошириш учун олиб бораётган фидокорона курашини акс эттирувчи суратлар ва паннолар қўйилган. Эрталаб соат ўн. Ҳарбий парад бошланади. Ҳарбий билим юртларининг офицерлари ва курсантлари, суворовчилар аниқ саф тортиб ўтадилар, зенит тўпларига ва танкка қарши отадиган тўплар, гвардия миномётлари, ҳар хил калибрли замбараклар ва гаубицалар юриб боради. Парад тугагандан кейин қувноқ ашулалар янгради, юзлаб байроқлар қизариб кўринди. Намойишчиларнинг колонналари ҳамма ёндош кўчалардан кенг Крещчатикка кириб кела бошлади. Намойишчиларнинг байрам сафлари тепасида социалистик лагерь меҳнаткашларига, тинчлик, демократия ва социализм учун курашаётган барча халқларга қардошлик саломи сўзлари янграйди. Киев меҳнаткашларининг намойиши бир неча соат давом этди.

Минск кўчаларида Биринчи Май байрами тантана ва шоду-хуррамлик билан бошланади. Ҳарбий параддан кейин шаҳарнинг марказий майдонига намойишчиларнинг колонналари кириб келди. Биринчи Май тантаналари литва халқининг тинчликка бўлган қатъий иродасини, унинг халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш истагини намойиш қилиб кўрсатди.

Совет Молдавияси пойтахти — Кишиневда Биринчи Май куни ҳаво очиқ бўлди. Шаҳар кўчалари байрам либосини кийган. Меҳнаткашларнинг колонналари Ғалаба майдонига томон юриб борди. Ҳарбий параддан кейин бу ерда шаҳар меҳнаткашларининг намойиши бўлди.

Биринчи Май кунида ҳавонинг очиқ бўлиши ригаликларни жуда хурсанд қилди. Баҳор қуёши шаҳар кўчаларига, майдон ва паркларига ўзининг майин нурларини сочди. Эрталабдан бошлаб юз минглаб кишилар денгиз бўйидаги Комсомол майдонига чиқдилар. Бу ерда Рига гарнизони қўшинларининг паради ва меҳнаткашларнинг намойиши бўлди. Ригаликларнинг Биринчи Май байрами латиш халқининг Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагига жипслашганини кўрсатувчи ёркин намойишга айланди.

Қирғизистон пойтахти Фрунзе гуллаган боғга ўхшайди. Бу ерда баҳор ва меҳнат байрами ёшлик юришидан бошланди. Спортчилар орасида тоғ чўққиларини забт этувчилар, парашютчилар, атлетлар, авиамоделчилар бор. Меҳнаткашларнинг намойишини шаҳардаги илғор корхоналарнинг колонналари бошлаб берди.

Оппоқ қорли баланд тоғлар билан қуршаб олинган Тожикистон пойтахти Сталинобод ажойиб баҳор либосини кийган. Унинг кўчалари ва майдонлари намойишчиларнинг колонналари билан тўлган. Шаҳар меҳнаткашларининг тантанали юришида юз мингдан ортиқ киши қатнашди.

Ереванда меҳнаткашларнинг намойишини бахтиёр болалар — пионерлар, мактаб ўқувчилари, махсус ва техника ўқув юртларида тарбияланувчилар бошлаб берди. Социалистик Еревандаги химия, машинасозлик, электротехника, енгил, озиқ-овқат саноати корхоналарининг коллективлари меҳнат соҳасида эришган ғалабалари тўғрисида рапортлар билан Биринчи Май намойишига чиқдилар.

Ашхабоднинг аллеялари ва кўчаларидаги ямашил дарахтлар орасида қизил байроқлар ҳилпирайди. Эрталаб соат 10 да бу ерда Ашхабод гарнизонининг паради бошланди. Шундан кейин кенг кўчаларга намойишчиларнинг колонналари кириб келди.

Эстония пойтахти Таллин меҳнаткашлари эрталаб кўчаларга чиқдилар. Харбий парад тамом бўлгандан кейин Ғалаба майдонига минглаб намойишчилар кириб келдилар.

Социалистик Ватаннинг ҳамма шаҳарларида байрам намойишлари бўлди. Бу намойишлар совет кишиларининг ўлмас Ленин партияси теварагига жипслашганлигини, уларнинг тинчлик учун, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун курашдаги қатъий иродасини бутун дунё олдида намойиш қилиб кўрсатди.

* * *

1 Май куни кечқурун Москвада, иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида ҳамда қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Сталинград, Севастополь ва Одессада байрам шарафига салют берилди.

(ТАСС).

Москвада спорт мавсумининг бошланиши

В. И. Ленин номидаги Марказий стадионда байрам

2 май куни пойтахт физкультурачилари В. И. Ленин номидаги Марказий стадионда катта спорт байрами билан ёзги спорт мавсумини бошлаб бердилар.

Катта спорт майдонининг трибуналарига юз мингдан ортиқ тамошабинлар тўпланди. Ям яшил гилам билан қопланган футбол майдонида байроқдорлар саф тортиб турибди. Трибуналар олдида совет спортининг гули — жаҳон чемпионлари ва рекордчилари турибди.

Соат 16. К. Е. Ворошилов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, Н. С. Хрущчев ўртоқлар ҳукумат ложасида пайдо бўлганларида тамошабинлар уларни гулдурос қарсаклар билан табриклайдилар. Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Бирлашган Араб Республикаси Президенти Гамол Абдил Носир ва унинг ҳамроҳлари ҳам улар билан бирга стадионга келдилар.

Болалар меҳмонларга гуллар тақдим этадилар.

Совет Иттифоқи гимнининг садолари янграйди. Баланд матчга қизил байроқ кўтарилади. Физкультурачиларнинг паради бошланади.

Стадионнинг турли майдончаларида боксчилар, волейболчилар, городкичилар, қиличбозларнинг мусобақалари бўлди. Москва дарёсида академик эшиш бўйича мусобақа ўтказилди. Сузиш бассейнида сузувчилар, сувга сакровчилар мусобақалашди, сув полоси бўйича мусобақалар ўтказилди.

Футбол матчи тамом бўлгандан кейин катта спорт майдонида енгил атлетикачиларнинг машқлари ўтказилди. (ТАСС).

Тошкент. Суратда: В. И. Ленин номли майдонда меҳнаткашлар намойиши. В. Салов фотоси.

ЧИГИТНИ БИР ТЕКИС УНДИРИБ ОЛИБ, ҒУЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРИБ ЮБОРАЙЛИК!

Тошкент области чигит экиш планини бажарди

Узбекистон пойтахт областининг колхозчилари, МТС ва совхоз коллективлари кўкламдаги об-ҳавонинг ноқулай келиши натижасида вужудга келган қийинчиликларни енгиб, ишда фидокорлик ва юксак уюшқоқлик кўрсатиб, чигит экишни муваффақият билан тамомладилар.

Чигит экиш планини 102,3 процент бажарган Боёвут районидаги колхоз ва совхозлар айниқса зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар. Мирзачўлдаги қўриқ ерларда яқинда ташкил этилган «Фарҳод» ва «Дружба» совхозлари ҳам топшириқни яхши удда қилдилар.

Область хўжаликлари ўтган йилдагига нисбатан икки баравар ортиқ ерда режа сими ёрдами билан квадратлар ҳосил қилдилар.

Колхоз ва совхозлар пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган биринчи Бутуниттифоқ кенгашида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажара бориб, қўшимча суратда чигит экишни давом эттирмоқдалар. Пландан ташқари 10 минг гектар қўриқ, бўз ва янги ерларга чигит экилади.

Илғор хўжаликлар қатор ораларини биринчи ишлашни қизитиб юбордилар. Урта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида бу иш айниқса яхши ташкил қилинган. Бу колхозда ғўза парваришининг биринчи циклини ва яганалашни 15 майгача тамомлашга имкон берадиган тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу тадбирларни область партия комитети маъқуллади ва областнинг ҳамма хўжаликларига тавсия қилди. (УзТАГ).

Янги ўзлаштирилган ерларда чигит текис униб чиқди

Мирзачўл районидаги Сталин номли колхоз аъзолари бултур сув чиқмайдиган жойларга насос билан сув чиқариб, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 40 гектарга яқин ерга маккажўхори, картошка экканэдилар.

Колхоз аъзолари бу йил Партия ва Ҳукуматимизнинг пахта майдонларини кенгайтириб, янги ерларни кўплаб ўзлаштириш ҳақидаги кўрсатмаларидан илҳомланиб, 100 гектарга яқин тепалик, сойликларни ўзлаштирдилар ва шундан 65 гектарига чигит экдилар. Ҳозир бу майдонларда чигит текис униб чиқди.

Қўчқорбой Раҳматуллаев бошлиқ бригада аъзолари ғўза парваришини бошлаб юбордилар. Бригаданинг илғор механизаторларидан Убайдулла Бойбеков, Тошқўзи Қиргизбоев ўртоқлар ўз агрегатларидан яхши фойдаланиб ғўза қатор ораларини сифатли ишламоқдалар. Бригада аъзолари ҳар гектар ерда 90-95 минг туп кўчат бўлишини таъминлаш учун курашмоқдалар.

Бригада аъзолари биринчи йили пахта экилаётган 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан она-Ватанга 25 центнердан «оқ олтин» етказиб бериш иштиёқида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

А. АЛИМБЕКОВ, Ж. ЭШОНҚУЛОВ.

Ғўза парвариши кучайтирилди

Верхне-Волинск районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг С. Бозоров, А. Муродов ўртоқлар бошлиқ илғор бригадаси аъзолари чигит экишни биринчилар қаторида тугаллаган эдилар. Бригада аъзолари шу кунларда ғўза парваришини кучайтириб юбордилар. Бу бригадаларда квадрат-уялаб чигит экиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган механизатор-колхозчилардан Собиржон Орифжонов, Садри Муродовлар ғўзанинг дастлабки парваришини сифатли ўтказишга ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар.

Колхоз КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг колхоз тузумини янада ривожлантириш ва МТС-ларни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорига биноан МТСдан трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини сотиб олган эди. Бу, дала ишлари суръатини кучайтириб, чигит экишни тезлаштириш ва бу ишни сифатли тугаллаш имкониятини берди. Бу йил колхоз аъзолари 1330 гектар ерда ўтган йилдагига қараганда мўл ҳосил етиштириш мажбуриятини олган. Далада шу юксак мажбуриятга яраша қизғин иш олиб борилмоқда, ғўза парваришини намунали ўтказиш учун курашилаётир.

Ғ. ҒУЛОМОВ.

Ҳосил мўл бўлади

Оққўрғон районидаги Карл Маркс номли колхознинг Эргаш Эгамназаров ва Раҳматулла Каттабоев ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари механизаторлар билан ҳамкорликда ишлаб, чигит экишни колхозда биринчилар қатори тугаллаган эдилар. Шу кунларда бу илғор бригадаларнинг далаларида бўлиб, колхозчиларнинг иши билан танишсангиз, уларнинг меҳнати самарали натижалар бергандигини кўриб қувонасиз. Кузги-қишки тадбирлар намунали амалга оширидиб, чигит экишни муваффақиятли ўтказган бу бригадаларда ғўза парвариши ҳам ҳар тарафлама кучайтирилди. Илғорлар барча майдонларда чигитни текис ундириб олиш, шу билан бирга кўчатларнинг нормал қалинликда сақлаб қолиниши учун курашаётирлар.

Бригадаларнинг ҳар бир аъзоси ғўза парвариши юзасидан белгиланган кундалик топшириқни ортиғи билан бажараётир. Колхозчилардан У. Олтибоев, У. Жаҳонов ва Қ. Жаҳонов ўртоқлар айниқса ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар.

Карл Маркс номли колхоз аъзолари бу йил 717 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 26 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Колхознинг ҳамма бригадаларида ҳам чигитни текис ва тўла ундириб олиш, ғўзанинг дастлабки парваришини сифатли тугаллаш учун кураш қизитиб юборилган.

Т. МАМБЕТОВ.

ТАСС БАЁНОТИ

Шу йил 24 апрелда Норвегия стортингида Ғарбий Германиянинг атом қуроли билан қуролланиши масаласи юзасидан музокаралар бўлган вақтда Норвегия ташқи ишлар министри Х. Ланге ғўё Совет Иттифоқи Шарқий Германияда, Польшада ва Чехословакияда ўрта радиусдаги ракеталар учириладиган базаларга эгадир, деди.

Англия Ташқи ишлар министрлигининг вакили 25 апрелда Норвегия ҳукумати ана шу уччала давлатда «Коммунистик ракета базалари» вужудга келтирилаётганлиги тўғрисида қандай маълумотларга эга эканлигини Англия Норвегия ҳукуматидан суриштираётганлигини хабар қилди.

Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, Ланге 26 апрелда Копенгагенда бўла туриб, Англия ҳукумати шундай савол билан мурожаат қиладиган бўлса, Совет Иттифоқининг Шарқий Европа мамлакатларида ракета базаларини вужудга келтираётганлиги ҳақида қўшимча маълумотлар беришга тайёр эканлигини билдиради. Бунинг устига у 24 апрелда стортингда берган маълумотлари ишончга сазовор бўлган манбалардан олинди, деб даъво қилган.

ТАСС қуйидагиларни айтишга ваколат қилинган: Норвегия ташқи ишлар министрининг баёнотида Совет Иттифоқининг Германия Демократик Республикаси, Польша ва Чехословакия территорияларида ракета базалари борлиги тўғрисидаги даъволари бошдан-оёқ уйдирмадир ва кишиларни таажжублантирмай қолмайди. Шу хилдаги уйдирмаларни тарқатиш учун нима сабаб билан ҳозирги пайт танлаб олинганлигини билиб олиш қийин эмас. Дунё халқлари, шу жумладан норвеж халқи ҳам НАТО кенгашининг Ғарбий Европа мамлакатларида америка ракета ва атом базаларини вужудга келтириш тўғрисидаги қарорига қаршы, шу жумладан Ғарбий Германияни атом қуроли билан қуроллантириш сиёсатига қарши қатъий норозилик билдирмоқдалар.

Шу нарса ўзига эътиборни жалб этмай қололмайдики, Норвегия ташқи ишлар министрининг кўпинча ёлғон хабарлар тарқатиб келаётган ғарб мамлакатлари матбуоти дарҳол илиб олган мазкур баёноти НАТО Кенгашининг май ойида ўтказиладиган сессиясида ана шу блокда қатнашувчи мамлакатлар территориясида америка ракета базаларини жойлаштириш планларини қарсъ чиқиш арафасида илтари сурилди.

Шу тариқа, Ғарбда шу хилдати «хабарлар»нинг тарқатилишидан кузатилган мақсад равшан бўлиб қолмоқда, бу мақсад АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчиларининг ҳарбий тайёргарликларидан халқларнинг эътиборини четга тортишдан ва АҚШнинг Ғарбий Европа мамлакатларида атом ва ракета қуролларини жойлаштириш учун базалар вужудга келтириш талабини ғўё мажбурият остида кўрилган бир тадбир, деб кўрсатишдан иборат.

Норвегия ташқи ишлар министри Совет Иттифоқининг Германия Демократик Республикаси, Польша ва Чехословакия территориясида ракета базаларини вужудга келтираётганлиги тўғрисида бўлмағур уйдирма гапларни тарқатиб, жуда ҳам бемаъни ишни ўз зиммасига олган.

Ҳақли суратда шундай бир савол туғилади—Норвегия ташқи ишлар министри шу хилдаги ёлғон хабарларни тарқатиб, кимнинг топшириғини бажарди—ўз ҳукуматининг топшириғиними ёки НАТО гуруҳига қўмондонлик қилаётган кишиларнинг топшириғиними? Шундай саволнинг туғилишига доқал сабаб шуки, бундай гаплар «совуқ уруш» тарафдорларининг тегирмонига сув қуяди, халқларнинг халқаро кескинликни юмшатиш, тинчликни мустаҳкамлаш йўлида зўр бериб қилаётган ҳаракатларига зарар етказади ва советнорвеж муносабатларини янада яхшилаш вазифаларига тамомила хилофдир.

СССР ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АҚШГА ЖЎНАБ КЕТДИ

СССР ёшлар ташкилотлари комитетининг делегацияси АҚШ студент сайёҳлар кенгашининг таклифига биноан, 30 апрелда Нью-Йоркка учиб кетди.

Смислов-Ботвинник шахмат матчи

Жаҳон биринчилиги учун Василий Смислов бидан Михаил Ботвинник ўртасида бўлаётган шахмат матчининг йигирма биринчи ўйини йигирма учинчи юришда дуранг бўлиб тугади.

Матч ҳисоби Ботвинник фойдасига ўн икки: тўққиз бўлиб қолди. (ТАСС).

СТАРТ БЕРИЛДИ

Пойтахтимиздаги Ленин номли майдонда 2 май куни Узбекистон ССР Министрлар Советининг призи учун Бутуниттифоқ кўп кунлик велосипед пойгасига тантанали вазиятда старт берилди.

Кундуз соат 2. Қизил майдон шаҳар меҳнаткашлари ва спорт ҳаваскорлари билан гавжум. Ёзлик спорт формалари кийган велосипедчилар қатор тизилишиб турибди...

Бош судья пойгачиларнинг тўла составга мусобақага тайёрлиги ҳақида рапорт қабул қилади. Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт Комитетининг раиси ўртоқ Исмоилов қисқача нутқ сўзлаб, уларни баҳор байрами билан қизғин табриклайди ва спорт маҳоратларини оширишда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди. Старт берилиши билан велосипедчилар шаҳар бўйлаб йўл олдилар.

Пойгачилар Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Тошкент маршрути бўйича 8 кун йўл юриб 1254 километр масофани босиб ўтадилар. Мусобақада 8 қардош иттифоқчи республикаларнинг терма командалари, шунингдек, Узбекистондан «Пахтакор», «Меҳнат» ва бошқа кўнгилли спорт жамиятларининг командалари иштирок этаётир.

Пойгачиларга техник, медицина ва бошқа зарур ёрдамлар кўрсатиш мақсадида махсус машиналар улар билан бирга юради. Велосипедчилар 10 май куни Тошкентга етиб келадилар. Финиш «Пахтакор» стадионида бўлади.

Бу мусобақа спортчиларнинг СССР халқларининг 1959 йилги II спартакиадасига қўраётган тайёргарликларига катта синов бўлади.

ФУТБОЛ

Москвалик футболчилар ғалабаси

2 май куни марказий «Пахтакор» стадионида Москва физкультура институти клуби ва Тошкент спорт мактаби футбол командалари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.

Москвалик ёшларнинг тез ва кескин ҳужуми, аниқ посовкаси ва ўз дарвозасини қаттиқ туриб ҳимоя қила олиши футбол ҳаваскорларида яхши таассурот қолдирди. Улар бутун ўйин давомида ташаббусни қўлдан бермадилар, қисувни тобора кучайтирдилар. Бу ҳол тошкентликларни биринчи таймда икки марта, иккинчи таймда эса тўрт марта ўйинни майдон ўртасидан бошлашга мажбур қилди.

Тошкент спорт мактаби командасининг ўйинчилари қилган ҳужумлардан фақат биттаси тўп киритиш билан якунланди. Қолганлари эса қарши томон ҳимоячиларининг тўсқинлигига дуч келиб, ярим йўлда барбод бўлаберди.

Мусобақа москваликлар фойдасига 6:1 ҳисоби билан тугади.

Чет элларда Биринчи Майнинг байрам қилиниши

Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, барча мамлакатлардаги ишчиларнинг қардошлик куни—шонли Биринчи Май байрамини бутун илғор инсоният кенг равишда ва тантана билан нишонлади.

Улуғ Хитой халқи бу йил Биринчи Майни социалистик қурилишни кескин суратда юксалтириш учун умумхалқ кураши вазиятида байрам қилди. Биринчи май куни эрталаб соат 10 да Пекиндаги Тяньаньминь майдонида Хитой Халқ Республикасининг давлат гимни ва «Интернационал» садолари тантанали суратда янгради. Байрам намойиши бошланиши олдидан халқ қаҳрамонларига қурилган ёдгорликни очиш маросими бўлди.

Ишчи ва деҳқонлар, меҳнаткаш интеллигенция, студентлар майдондан ўтадилар. Улар: «Яшасин Биринчи Май!», «Яшасин бутун дунё ишчилар синфининг буюк жипслиги!» деб ёзилган шиорларни кўтариб борадилар. Байрам намойишининг гулларга чўмган колонналарида жуда кўп макетлар ва плакатларни кўрасиз. Бу макетлар ва плакатларда Халқ Хитойининг ғоят катта муваффақиятлари ҳамда унинг келгуси тараққиётининг улуғвор планлари кўрсатилган.

Пекин машинасозларининг колоннаси ўтмоқда. Намойишчилар кўтариб бораётган плакатларга маҳсулот ишлаб чиқаришни ўтган йилдагига нисбатан уч баравар кўпайтириш мажбурияти ёзилган. Пекиндаги автодеталь заводининг ишчилари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилдагига нисбатан саккиз баравар кўпайтириш мажбурияти ёзилган транспарантни кўтариб борадилар. Шаҳар қурилиши ходимларининг колоннаси олиб ўтаётган диаграммалар Пекинни Хитойнинг қудратли саноат базасига айлантириш ўн йиллик планини кўрсатади.

Хитой Халқ Республикаси пойтахтида байрам намойиши уч соатдан ортиқ давом этди. Намойишда 500 мингдан ортиқ киши қатнашди.

Хитойнинг йирик саноат марказлари — Шанхайда бўлган намойишда 200 минг киши қатнашди. Тяньцзиндаги Биринчи Май намойишида 150 минг ишчи, хизматчи ва интеллигенция вакиллари иштирок этди. Чанчундаги байрам намойишини 2 минг ишлаб чиқариш илғорлари бошлаб берди. Улар шаҳар корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг янги турлари макетларини кўтариб бордилар. Ғарби-Шимолий Хитойнинг янги саноат марказлари бўлган Сиань ва Ланьчжоуда юз минглаб намойишчилар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ва янги машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун курашда эришган муваффақиятлари тўғрисида рапорт бердилар.

Хитой Халқ Республикасининг ҳамма қисмларида бўлиб ўтган Биринчи Май митинглари ва намойишларида 600 миллионли хитой халқи социализм қурилишини тезлаштириш учун, социалистик миллатлар улуғ оиласининг бузилмас бирлиги учун, бутун дунёда тинчлик учун курашга қатъий бел боғлаганлигини ифода этди.

Польша халқи Биринчи Май байрамини социализмга ва пролетар интернационализмига садоқат белгиси остида нишонлади. Варшаванинг ва Польша Халқ Республикасидаги бошқа шаҳарларнинг кўчалари ва майдонлари қизил либос кийган. Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Гомулка нутқ сўзлади. Бугун, деди у, социализм 13 мамлакатда ижтимоий тузум бўлиб қолди. Қариб бир миллиард киши, бутун инсониятнинг учдан бир қисмидан кўпи янги социалистик жамият қурмоқда. Социализм идеялари бутун дунё меҳнаткашларининг тобора кенг оммасига ўз таъсирини ўтказмоқда, тобора қудратли кучга айланиб, инсониятнинг тарихий тараққиёти йўлини очиб бермоқда.

Варшава Маданият ва фан саройи олдидаги ёркин қуёш нурларига чўмган майдон орқали Польша ишчилар ҳаракатининг ветеранлари, завод ва фабрикаларнинг ишчилари, социалистик ёшлар союзининг аъзолари, спортчилар ўтадилар.

Польшанинг ҳамма воеводлик марказларида ва кўпгина бошқа шаҳарларида Биринчи Май муносабати билан кўп кишилик намойишлар бўлиб ўтди. Лодздаги байрам намойишида 150 мингдан ортиқ тўқимачилар ва металчилар қатнашди. Краковда Биринчи Май намойишига қарийб 100 минг киши чиқди. Польшадаги кўпгина корхоналарнинг ишчилари байрамни меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар билан кутиб олдилар.

Биринчи Май куни эрталаб Прагадаги Вацлав майдонига меҳнаткашларнинг колонналари кела бошлади. Тўпланганлар олдида Чехословакия Республикаси президенти А. Новотний нутқ сўзлади. У Чехословакияда Биринчи Май тантаналари барча мамлакатлардаги меҳнаткашлар билан халқаро бирдамликнинг ифодасидир, социализм қуриш соҳасида эришилган муваффақиятларга кўрикдир, деб таъкидлади.

Меҳнаткашларнинг байрам намойиши бошланади. Намойишни пионерларнинг икки минг кишилик колоннаси бошлаб беради. Улар кетидан Ян Жижка номидаги ҳарбий мактаб тингловчилари ва спортчилар борадилар. «Яшасин тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик!», «Совет Иттифоқи билан абадий бирга бўламиз!», деган хитоблар эшитилади. Чехословакия пойтахтидаги 16 район меҳнаткашларининг колонналари ҳукумат трибуналари олдидан ўтадилар. «ЧКД—Сталинград», «ЧКД—Дукла» заводлари, «Татра» вагонсозлик заводи ва бошқа заводларнинг ишчилари борадилар. Улар шу корхоналарнинг ишлаб чиқариш соҳасида эришган муваффақиятларини кўрсатувчи плакатлар ва транспарантларни кўтариб ўтмоқдалар.

Намойишнинг охирида барча меҳнаткашларнинг, Миллий фронтдаги ҳамма ташкилотларнинг бирлигини, Чехословакия Коммунистик партияси теварагига маҳкам жипслашган бутун чехословак халқининг бирлигини ифодаловчи ўттиз минг кишилик колонна ўтади.

Биринчи Май байрамига бағишланган намойишлар Братиславада, Остравада, Брнода, Пльзенда ва республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

Руминия Халқ Республикасининг пойтахти — Бухарестда Биринчи Май муносабати билан меҳнаткашларнинг митинги ва намойиши бўлди. Қуролли ишчиларнинг отрядлари аниқ саф тортиб, трибуналар олдидан ўтадилар. Улар кетидан энг ёш намойишчилар — пионерлар ва мактаб ўқувчилари борадилар. Фабрика ва заводларнинг, муассаса ва ўқув юртларининг коллективлари ўтадилар. Улар май олди мусобақасида меҳнат соҳасида эришилган муваффақиятларни кўрсатувчи плакатлар кўтарган. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни шарафига, Руминия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги абадий дўстлик шарафига, енгилмас социалистик лагерь шарафига табрик хитоблари эшитилади. Бухарест меҳнаткашларининг байрам намойиши тўрт соатдан ортиқ давом этди. Намойишда юз минглаб киши қатнашди. Кечқурун майдонларда ва паркларда байрам сайиллари бўлди.

Германия Демократик Республикаси меҳнаткашлари Биринчи Май байрамини хурсандчилик ва тантана билан нишонладилар. Биринчи Май шарафига Берлинда Маркс-Энгельс майдонида ҳарбий парад ва намойиш бўлди. Ишлаб чиқариш активлари, миллий мукофот лауреатлари, меҳнат қаҳрамонлари колоннаси байрам намойишини бошлаб берди. Трибуналарда тўпланганлар Германия тарихида биринчи ишчи-деҳқон давлатини қўриқловчи жанговар ишчи дружиналари аъзоларини табриклайдилар. Намойишчилар «Германия Бирлашган социалистик партиясининг раҳбарлиги остида социализм сари, олға!», «Бутун Германия атомсиз зона бўлиши лозим!» деб ёзилган транспарантларни кўтариб борадилар. Берлин меҳнаткашларининг Биринчи Май намойиши бир неча соат давом этди.

Болгария, Венгрия, Албания, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Мўғулистон Халқ Республикаси, Вьетнам Демократик Республикасида ҳам Биринчи Май муносабати билан меҳнаткашларнинг оммавий намойишлари бўлиб ўтди. Бу намойишлар социалистик давлатлар халқларининг бутун дунёда тинчликнинг ишончли таянчи бўлган социализм лагерини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга қатъий бел боғлаганлигини кўрсатувчи ёркин далил бўлди.

Индонезияда, Ҳиндистонда, Цейлонда, Ливанда ва Осиёдаги бошқа мамлакатларда Биринчи Май намойишлари пролетар интернационализми байроғи остида, тинчлик учун ва миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун кураш шиори остида ўтди. Жакартада Биринчи Май митинги катнашчилари якдиллик билан резолюция қабул қилиб, ҳукматнинг Ғарбий Ирианни озод қилиш, исёнчиларни тор-мор келтириш ва чет эл интервенциясини даф этиш йўлидаги чораларини қўллаб-қувватлаганликларини изҳор қилдилар. Деҳлида байрам митинги катнашчилари Биринчи Май манифести қабул қилдилар. Бу манифестда империалистларнинг урушга тайёргарлик кўраётганлиги газаб билан қораланади ҳамда Ҳиндистон ишчилар синфининг бирлигини мустаҳкамлашга даъват этилади.

Биринчи Май куни Японияннинг беш миллиондан ортиқ меҳнаткашлари тинчликка бўлган ўз иродаларини намойиш қилиш учун шаҳар кўчаларига чиқдилар. Токиода Биринчи Май намойишининг қатнашчилари «Ядро қуроли дарҳол тақиқлансин!», «АҚШ ва Англия Совет Иттифоқидан намуна олишлари лозим!», «Жипслик ва бирлик — ишончли қуролимиздир!» деган шиорларни кўтариб бордилар. Бу намойиш Япония пойтахтида урушдан кейинги барча Биринчи Май намойишларидан энг каттаси бўлди.

Америка Қўшма Штатларида Биринчи Май шарафига кўп шаҳарларда жамоатчилик митинглари бўлиб ўтди. Нью-Йоркда байрам митингига тўпланганлар Эйзенхауэрга мурожаат қабул қилиб, ядро синовларининг дарҳол тўхатилишини ва ҳукуматлар бошлиқлари кенгашини чақириш йўлидаги ҳамма ғовларнинг бартараф қилинишини талаб қилдилар.

Парижда Биринчи Май кунини байрам қилишда юз минглаб киши қатнашди. Маъмурлар Биринчи Май намойишини тақиқлаганлари сабабли касаба союзлари оммавий митинг ташкил қилдилар. Париж ишчилари ва хизматчиларидан ўн минглаб киши, ёшларнинг вакиллари: «Жазоирга тинчлик!», «Фашизмга йўл қўймаймиз!», «Йўқолсин ракета установкалари!» деган шиорларни кайта-кайта айтдилар.

Германия Федератив Республикаси меҳнаткашлари Биринчи Май байрамини оммавий митинглар ва намойишлар билан нишонладилар. Ғарбий Германия ишчилар синфи шу куни Германия Федератив Республикасининг атом билан куроллантирилишига қаршилик кўрсатиш учун катъий бел боғлаганлигини изҳор қилди. Ғарбий Берлинда Биринчи Май байрами: «Ҳамма атом қиргинчилиги хавфига қарши курашга!» деган шиор остида ўтди.

Чет элларда ҳамма ерда Биринчи Май байрами тинчликни сақлаб қолишга, уруш бошлашни ният қилганларнинг планларини барбод қилишга катъий қарор берган меҳнат аҳлининг буюк интернационал байрами сифатида нишонланди.

(ТАСС).

Чет эл касаба союз ва ишчи делегациялар шарафига қабул маросими

2 майда Союзлар уйининг Колонна залида ВЦСПСнинг ва бир қанча тармоқ касаба союз Марказий комитетларининг таклифига мувофиқ меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Майни байрам қилишда қатнашиш учун Совет Иттифоқига келган чет эл касаба союз ва ишчи делегациялар шарафига қабул маросими ўтказилди.

Меҳмонлар орасида Улуғ Хитой, Албания, Болгария, Венгрия, Вьетнам Демократик Республикаси, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Мўғулистон Халқ Республикаси, Польша, Руминия, Чехословакия, Германия Демократик Республикаси касаба союзлари ва меҳнаткашларининг вакиллари, Югославия инженер ва техниклар делегацияси, Бирлашган Араб Республикаси, Бирма, Индонезия, Мадагаскар, Марокаш, Судан, Француз экваториал Африкаси, Француз қора Африкаси, Цейлон, Англия, Аргентина, Бельгия, Бразилия, Голландия, Дания, Италия, Исландия, Канада, Кипр, Люксембург, Норвегия, АҚШ, Уругвай, Германия Федератив Республикаси, Финляндия, Франция, Чили, Швеция, Япония касаба союз делегациялари, шунингдек Жаҳон касаба союзлари федерациясининг делегацияси бор эди.

ВЦСПС раиси В. В. Гришин меҳмонларга қарата самимий табрик нутқи сўзлади.

Қабул маросимида ВЦСПС, касаба союз Марказий комитетлари, Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети ва Совет хотин-қизлари комитетининг масъул ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, пойтахтнинг касаба союз активлари ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар учун катта байрам концерти қўйиб берилди.

(ТАСС).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 4/Vда **Юлий Цезарь.**

«ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА — 5/V кеч соат 7 да **Катта цирк ва спорт тамошалари.**

«ИСКРА» (қишки) — кеч соат 5 гача **Беқарор мерган,** кеч 5 дан 9-50 минутгача **Порла, юлдузим,** кеч 10-25 минут ва 11 да **Шахсан маълум.**

«Ёш ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Беқарор мерган,** кундуз ва кечқурун **Порла, юлдузим.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Беқарор мерган,** кеч соат 8 ярим ва 10-15 минутда **Порла, юлдузим.**

«ХИВА» — **Порла, юлдузим.**

КАФАНОВ номли, «УДАРНИК» — **Беқарор мерган.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. 115, 50 Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 05363. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-464.